



ОЛИЙ БАКТ


ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 2 март, сешанба № 34 (1667)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Кизилтепа туманидаги «Нотўқима» кичик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда...



нада 119 миллион 298 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мўмай даромад олишга эришилди...

етарли меҳнат шароитлари яратилган. Уртача ойлик иш ҳақи 32 минг сўмни ташкил этмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

БАҲОРИНГ МУБОРАК, ДИЛБАР ВАТАНИМ!

Кизгалдоқ баргидек учар дилдан ғам, Ташқинлар киради қалбимга маним. Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам, Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним!

Абдулла ОРИПОВ

Остонамизда Наврўз насимлари эсади. Ўлкамизга ороланиб, зебланиб Кўкларми ташриф буоради...

ган Бундан минг-минг йиллар олдин ҳам ота-боболаримиз икки дарв оралғидаги Турон кенгликларида катта шодиёна билан Наврўзни қаршилаганлар...



Зардуштийларнинг тақвими бўйича Наврўз тантаналари февралдан бошланиб бир ой давом этган. Бериш хам бу ҳақда шундай ёзади...

Жиззах томонларда

ИНСТИТУТ ҚОШИДА ЗАРДЎЗЛИК

Абдулла Кодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти қошида зардўзлик мактаби ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ...

ЯНА БИТТА ҚЎШМА КОРХОНА

Зомин тумани электр-механика заводи қошида «Элгус» қўшма корхонаси барпо этилди.

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ГА ХОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Кам таъминланган, ногирон ва етим болаларни ихтимой муҳофаза қилиш мақсадида вилоятдаги 29-сонли «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи 89 нафар бола корхона ва ташкилот раҳбарларига бириктириб қўйилди...

СОБИҚ ҲЎҚУВЧИЛАР МАДАДИ

Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли 3-умумий ўрта таълим мактабидега собиқ ҳўқувчилар кенгаши тузилди.

ОМБУДСМАН МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

Биринчи илчи гуруҳи Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалар ҳамда меҳнат жамоаси, «Термизпахта» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари билан учрашдилар.

2 март - Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун

1992 йил 2 мартдан эътиборан БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳи биноси олдида Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпирай бошлади.

Ўтган ўн икки йил мобайнида Ўзбекистон БМТнинг энг фаол аъзолари сафидан ўрин олди. Мамлакатимиз ташкилотнинг кўплаб ижтисодлаштирилган мунассасалари ва дастурлари билан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан хавфсизлик масалаларидаги ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил сентябрда ўтган «Мингйиллик саммити»да мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик, гийҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислох қилишга доир кўплаб муҳим тақдирларни илгари сурди.

Аслида бу борадаги ҳамкорликка анча олдин асос қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йил сентябрда ўтган 48-сессиясида сўзлаган нутқида қўшни Афғонистондаги фуқаролар урушига барҳам бериш масаласига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган эди.

1995 йил октябрда ўтган 50-сессияда ҳам Юртбошимиз афғон жоҳириятини ҳал этиш юзасидан ўз тақдирларини билдирди.

1997 йил 24 августда Президент Ислам Каримов Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича мазкур давлат би-

расидаги вазифалар ҳам белгиланган эди. Тошкент декларацияси БМТнинг расмий ҳужжати макomini олди.

Халқаро аксиденттеррол коалицияси Афғонистондаги террорчилар уюсини барбод этган, Ўзбекистон билан БМТнинг ҳамкорлиги Афғонистонда барқарорлик

ЎЗБЕКИСТОН-БМТ: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА

лан чегарадош олти мамлакат (Ўзбекистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой ва Эрон) ҳамда АҚШ ва Россия иштирокидаги мулоқот гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурди. Уша йилнинг 16 октябрда «6+2» гуруҳи номини олган бу гуруҳнинг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

1999 йил 19-20 июл кунлари Тошкентда «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлди. Унда биринчи бор Афғонистондаги икки қарама-қарши томон - Шимолий иттифоқ ва «Толибон» вакиллари музокара даврасида учрашди. Учрашув иштирокчилари «Афғонистондаги жоҳори тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент декларациясини имзолади.

Декларацияда нафақат қарама-қарши томонлар ўртасида ҳарбий ҳаракатларни тўхта-тиш, балки Афғонистонда урушдан кейинги иқтисодий, сийёсий ва ижтимоий ҳаётни шакллантириш бо-

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда? ДАВОЛАНИШ ХАРАЖАТИ ХҲҲАЛИК ҲИСОБИДАН

«Сурхон» вилоятдаги довуқли хўжалиқлардан У давлат хўжалигидан жамоа хўжалигига, кейин эса ширкатлар уюшмасига айлантирилди. Шунда одамлар энди иш юритишининг бу шаклида фаолият юрттаверамиз деб ҳайл қилган эдилар. Чунки пахтачиликнинг ўз-дангина 7 минг тоннадан ортук ҳосил этиштириладиган хўжаликнинг даромади ва иқтисодий аҳоли ёмон эмас-ди.

Бирок, ҳаёт дарё мисол жўшиб оқаверади. Янги ўзанлар қидираверади. Бу ердигилар ҳам замондан ортада қолишмади. Улар шароит тақозосига кўра фермер жамоавлари тузиб, ишлашга жазм этишди.

Интиланган толе ёр, деганларидек, фермерлар ерга меҳр қўйиб, тер тўкишди. Кишиларнинг ерга бўлган муносабати ўзгарди. Дастлабки даромадлар деҳқоннинг оғирини енгил қилаётган мавжуд техникларни таъмирлашга, янгиларини сотиб олишга сарфланди.

Унинг бандлари бирма-бир ўрганилганда, айрим бандларни истисно қилганда жамоа шартнома-си илчи бажарилаётганли-ги маълум бўлди.

Мисол учун ўтган йили пахта териш мавсумида ишчи Карим Чориев тележ-кага пахта ортаёттиб, тасо-дифан қулаб тушди ва оёғи синди. Унга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилди.

Хўжаликда баҳорги экиш мавсумига ҳам пухта хозирлик қўрилди. Сув йўллари, шунингдек, 170 километр узунликдаги арик-зювурлар тозаланди. Техника мавсумга шайлаб қўйилди.

Наманган туманидаги Тошбулоқ қишлоғида пиллан қайта ишлаш бўйича янги кичик корхона фойдаланишга топширилди.

ТОШБУЛОҚ ШОЙИСИ

«Райхон-тола» кичик корхонаси офиси Тошкент-да жойлашган «Asia Silk» хориж корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тошбулоқда бу корхонада 200 иш ўрни яратилди ва атрофдаги қишлоқлар ҳамда маҳаллалардан хотин-қизлар ишга қабул қилинди.

СеваРА МАДУМАРОВА, ШарофАт ИСКАНДАРОВА

## Бир Фармон шарофати

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг томорқа ва уй-жой учун қўшимча ер ажратиш ҳақидаги Фармони халқимизнинг асрий орзуси ушалишида бекиёс аҳамият касб этди. Фармон шарофати ила деҳқон (томорқа) хўжалиқлари ривожланиб, эндиликда мўл-кўл неъматларни эл дастурхонига етказиб бермоқда.**

Қуйида томорқадан, иссиқхоналардан йил бўйи баракали ҳосил етиштириб, истеъмол бозорини тўлдирётган олтиариқлик ва учкўприқлик миришқорларнинг бой тажрибалари, ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилинади.

**Вилоятимиз деҳқонлари азалдан ўзларининг миришқорлиги, уддабўронлиги билан донг таратишган. Айниқса, олтиариқликлар томорқада, иссиқхонадан йил бўйи ҳосил етиштиришининг ўзига ҳос тажриба мактабини яраттишган. Улар етиштирган ноз-неъматларни ҳозирги кунда истаган бозорда учратиб бўлмайди.**

Ер бебаҳо бойлик. Унинг ҳар қаричини эъзозлаб, омилкорлик қилинса, натижаси шунчалик яхши бўлаверди. Миришқорлар билан ўзаро сўхбатда собиқ шўролар даврида улар бир парча ерга зор бўлиб яшаганлигини, асосий эътибор пахтага қаратилиб, жаннатмакон бог-роғлар қаровсиз ҳолга келиб қолганлигини афсус билан таъкидлашди. Халқ орасида шундай хангома юради. Мустақиллик шарофати билан деҳқон ерга ёлқиди. Энг табарруқ отахонлардан бирига томорқа учун ер ажратилганда у қадамлаб ер ўлчасга тушиб кетди. Охири жориб-чарчаб чўқалаб қолади.

Шунда ер ўлчовчи йигит: — Отахон қозоқчи шу ердан қоқайми, деб сўраганида нуруний бошидаги дўппини улоқтириб, шу дўппи тушган жойдан эллик қаддам ташлаб қозоқчи қоқавер, деган экан.

Бу одамларимизнинг ерга бўлган меҳри қанчалик кучлигини, айтиш пайтда заминни жуда соғинишганини ифодалаб турибди. Президент Фармони шарофати тўғрисида 2003 йилда 1740 хўжаликка 218 гектар ер томорқа сифатида бўлиб берилди. Барча тер тўқиб ишлашга киришди. Шунда олтиариқликлар чинданам олимиришқор, қўли гул деҳқон эканлигини яна бир қарра на-

### Тажриба, ташаббус

турар-жой бинолари, гузарлар, хиёбонлар бунёд этилди. Бир вақтлар амал-тақал қилиб тикланган пахта ва лойсувқоқ бинолар ўрнига пишонавий ишларига иморатлар қад ростлади.

Олтиариқ туманида бўлсангиз етти ёшдан етмиш ёшгача неъмат етиштириш билан банд эканлигини кўра-

га эга бўлимоқда. Сўнгги йилларда омилкор кишилар узумни киши мобайнида бирдек сақлашнинг ҳадисини олиштиди. Янги йил ва Наврўз тантаналари дастурхонини безаётган узумларнинг асосий қисми Олтиариқдандир. Ҳозирги кунда тумандаги кўплаб ширкат хўжалиқлари фермерлар ихтиёрига

## ЙИЛ БҲЙИ ҲОСИЛ

моийш этишиди. Кўпдан-кўп кишилар томорқа хўжалигидан, улардаги иссиқхоналардан мўмай даромад олиб, бунёдкорлик ишларини жонлан-тириб юбордилар. Айни пайтда савобли ишларга қўл урдилар. Шу тариқа замонавий

сиз. Хар икки хонадоннинг бирини иссиқхона бор, десак муболага бўлмас. Уларда бод-ринг, помидор, булғор қалампири, турли қўқатлар, гуллар етиштириб келинмоқда. Демак, йил бўйи ердан ҳосил олиниб, катта даромад-

берилмоқда. Ер ўз эгасини топган, саховатини аямийди. Демак, ноз-неъмат етиштириш янада кўпайди.

**Эминхон УСМОНОВ, «Полосон» ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси**

### Шукрона

## ФАРЗАНДЛАР

меҳнатга кўнгил қўйса

Ота-она борки фарзандларини яхши касб-кор эгаси, меҳнатсевар, одамоҳун инсон этиб тарбиялашни оруз қилади. Мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бири — бу ўшларни илоҳи бори-ча барвақт меҳнатга ошно қилишдир. Узим оддий деҳқонман. Афсуски, етмиш йилдан ортқ вақт мобайнида далада тер тўқиб ишлаб, бирим икки бўлма-ганди. Кишлоқларимиз қиёфаси, турмуш-тарзимиз биз оруз қилган даражада ўзгармади.

томорқада сидқидил ишлаб, халқ учун сархил мевалар етиштирдим. Оила бюджетни мустаҳкамлади. Янги уйларга кўчиб ўтдик. Бултурги ҳосилдан олинган даромад эвазига Ҳаж зиёратида бўлдим. Умуман туманимиздан бу йил 94 нафар киши ана шундай бахтга мушарраф бўлди. Ҳозирги кунда иссиқхоналар барпо этиш, энг сархил гул қўқатлари етиштириш, янги бог-роғлар барпо этиш борасидаги тажрибаларини ҳамкишлоқларимизга кунт билан ўргата-ялман. Деҳқон баҳори барчамизни самарали меҳнат қилишга чорламोқда.

Мустақиллик, Президент Фармони шарофати ила ҳаққий ер эгаси бўлдим. Оила аъзоларим билан йил ўн икки ой

**Камол хожи РАҲИМОВ, сохиқбор**

### УЙ ШАРОИТИДАГИ

## ИССИҚХОНА

уддалаганга катта даромад манбаи

## УЧКЎПРИК ЛИМОНЛАРИ



Жаннатмакон юртимизнинг бир бўлаги бўлган Учкўприк тумани аҳолиси ўзининг миришқор деҳқонлари билан фахрланиди.

Мустақиллик йилларида бободеҳқонларимиз ўз тажрибаларини ошириб, эл-юрт дастурхонига турли хил ноз-неъматлар етиштириб бермоқда.

Президентимизнинг шахсий уй-жой, томорқа учун ер ажратиш хусусидаги ҳаётбахш Фармони тўғрисида қўлаб оилалар ҳусусий томорқа-участкасига эга бўлдилар. Қисқа муддатда қатор маҳаллалар пайдо бўлди. Томорқа эгалари ўз ерларида турли хил неъматлар етиштириб, катта фойда ола бошладилар.

Мен оддий бир биология ўқитувчиси сифатида томорқамизда кичик лимонарий ташкил этдим. Маълумки лимонда киши

организми учун зарур бўлган витаминлар кўп. Бу неъмат, айниқса, гипертония касаллигига чалинган беморлар учун қўндалик дориридир. У қон босимини бир маромага тушишга ёрдамлашди. Бизнинг иқлим шароитида лимон етиштириш борасидаги тажрибамиз бошқаларга ақтариман деган маънода фаолиятим ҳақида ўртоқлашмоқчиман.

Авалло ҳар бир ишни бошлашда инсон қалбида қули иштиёқ бўлиши зарур. Агар сезиниб томорқаниз бўлса унга нима экиб даромад қилиш ҳақида кайғураётган бўлсангиз маслаҳатим лимон етиштириш!

Бунинг учун албатта иссиқхона қўриш зарур. Чунки лимон ўсимлиги суптропик бўлиб, +5 градустан паст хароратда ривожланишдан тўхтайдди. Қажратон қиш чиласида бу даражадаги иссиқликни таъминлаш осон эмас. Келинг, тахминан 4

сотих жойда лимон етиштириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида гаплашайлик.

Бугун рисоладагидек лимонарий қўриш учун анча маблағ зарур бўлади. Ота-боболаримиз ҳамма нарсанинг тежамли бўлишига қўл эътибор қаратишган. Шу боис лимонарийнинг оддий усули фойдали. Лимон етиштириш учун 4 сотих ерга 50 туپ қўқат ўтказган маъқул. Бундан аввал ерга яхшилаб ишлов берилсин. Яъни маҳаллий ўғит-нарийда +5 хароратдаги иссиқлик доимий сақланиб туради. Илгирлари киш кечаларида печкага ўт ёқиб чиқишга ҳам мажбур бўлганмиз. Энди бу каби муаммолар бизни тавашилантормайди. Агар ҳаво совиб кетса яна бир йили аиплака печлардан фойдаланамиз. Унинг асосий ёқилгиси ёғоч қилибидир.

Энди 4 сотих ерга экилган лимонлардан қанча даромад олиш

### Фахр

## БУ БИЗНИНГ МАҲСУЛОТ

каби иссиқхона қўрамиз. Узимиз турли сархил неъматлар етиштиришимиз, деган қарорга келдик. Хашар уюштириб, энг арзон қурилиш материалларидан «ойнаванд дала» тикладик. Ерни обдон қайта ишлаб, маҳаллий ўғитга тўйинтирдик. Икки ўғлим жойларда бўлиб, илгирлар тажрибасини кунт билан ўргандилар. Эндиликда бизнинг хўжалигимизга ҳам ҳамма ҳавас қилади. Иссиқхонага қачон кирманг, пишқилиқнинг устидан чиқасиз. Бодринг, помидор йиштириб олингандан сўнг

булғори қалампири, қўқатлар етилиди. Сўнг навбат гулларга келади. Шу тариқа йил бўйи ҳосил олишга эришаётимиз.

Рўзгордан ортиган неъматларни бозорга чиқариб сотамиз. Эндиликда чорва туёқ сонини кўпайтириш пайида бўлаяёмиз. Пешона тери эвазига етиштирилган даромаднинг бир қисми савобли ишларга сарфланмоқда.

**Нурмат НИШОНОВ, «Олмасор» маҳалласида истиқомат қилувчи миришқор**

### Саховат

**«Полосон» кишлоқ фуқоролар йиғинида «Дўстлик», «Жонибек» ва Беруний, Ибн Сино, Муқимий, А.Иқомов, Муллажонов номли маҳалла йиғинлари фуқоролар жойлашган. Уларда 17 минг 700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Хўжалиқлар сон 3300 та бўлиб, 5500 га яқин оила умрғуздорлик қилади.**

## ТОПГАНИМИЗНИНГ БИР ҚИСМИ САВОБЛИ ИШЛАРГА

Утган йили ободлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Янги гузар ишга туширилди. 2003 йилнинг декабр ойида Президент Фармонида кўра хўжалиқларга томорқа бериш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида 290 га оила шахсий томорқага эга бўлди.

Шу билан бирга чойхона, нонвойхона, ошхона, ёқилги қуйиш шаҳобчаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаканаси қуриш учун алоҳида жой ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Полосонда давлат дастурлари асосида ободлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Халқимизнинг энг яхши удумларидан бири хашар йўли билан «Полосон» қабристонини қайта таъмирланиб, атрофлари девор билан ўралди.

Олтиариқда зиёратгоҳлар жуда кўп. Улардан бири қаровсиз ҳолга келиб қолганди. Тадбиркор Исроилжон Усмонов бу ерни обод қилишга аҳд қилди. Таъмирлаш ишлари учун 7 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Кўчалар асфальт қилинди, газ, ичимлик суви келтирилди. Энди зиёратчилар учун барча шароитлар мунайб. Таъкидлаш жоиз, Исроилжон ака томорқадан ҳам унумли фойдаланиб, мўмай даромад олишга намунга. Тадбиркор бойиса кўпна нағди тағдиди деб беҳиз айтишмайди. «Меҳр ва муруват йили» да ҳудудимиздаги фермер ва тадбиркорлар билан хайрия тадбирлари ўтказишга келишиб олдик. Қурбон ҳайити арафасида ҳудудимиздаги кам таъминланган оилаларга тадбиркор Исроилжон ва бошқа саховатпеша инсонлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

**Одилжон БОЛТАБОВЕВ, Олтиариқ туманидаги «Полосон» кишлоқ фуқоролар йиғини раиси**

### Обод маҳалла ибрати

**Бугунги кунда туманимизда 164 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Сарикўрғон кишлоқ фуқоролар йиғинига қарашли «Тожиқ» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 мингдан зиёд аҳоли бўлиб, хўжалиқлар сон 1500 тани ташкил этади. Аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланидиган маҳаллаимизда хар бир қарич ер ҳисобли.**

## ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ҳудудимиздаги ерларнинг ақарианти тошқоқлардан иборат. Шу боис аҳолига 10 — 15 сотихдан томорқа ажратиб келинади. Томорқалардан унумли фойдаланиш мақсадида кўпчилик аҳоли уйларида иссиқхона ҳамда плёнка остига хар-хил қўқатлар етиштириш билан шуғулланади.

Утган йил мобайнида маҳаллаимиздаги 15 та хўжаликка томорқа участкаси ажратилди. Шу билан бирга янги гузарлар, маншай хизмат шоҳобчалари, тегиримон, гўшт дўконлари қуриш учун жойлар берилди.

«Меҳр ва муруват йили» да алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, фаолларимиз бу ишни иччил асосда оширишди. Маҳаллаимизда истиқомат қилаётган қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб тураемиз. Уларга ёрдам кўрсатиш учун ҳолийлар бириктирилган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Маҳаллаимизда турли ташкилотлар билан самарали

қарорлик кенг йўлга қўйилган. Яқинда «Меҳр ва муруват» йилига бағишлаб катта тадбир уюштирдик. Унда 100 нафардан зиёд кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ногиронларга бепул аравачалар тарқатилди.

Президентимизнинг «Болавар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги» Фармонида кенги маҳаллаимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудудимиздаги 23 «умумтаълим» мактабида турли спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатиб келимоқда. Бу ерда маҳалла болалари мураббийлар — Зўриддин Қодиров ҳамда Темир Ҳасанов раҳбарликдаги спорт тўғрисидаги мунтазам шуғулланиб келимоқда. Ободончилик ишларида фаолларимиздан Собир ҳожи Жураев, Рустамжон Мадғозиев жонбозлик кўрсатишмоқда.

**Урибой ШАРИПОВ, Учкўприк тумани «Тожиқ» маҳалласида истиқомат қилувчи сохиқбор**

**Саҳифани тайёрловчи: А.Юнусов, «Ишонч» муҳбири**

## ДЕҲҚОН МЕҲНАТИГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Наманган туманида пудратчилар ҳуқуқи топталаётгани хусусида

лар топилди. Мана ўша жавоб: «Наманган вилоят Адлия бошқармаси аризонини Оқунбобоев номли ширкат ҳўжалиги мутасаддислари иштирокида атрофича ўрганиб чиқди ва Наманган туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига сизнинг манфаатларингиз уюшадан режадан ортқча етиштирилган бугдойнинг бозор баҳосидаги қиймати 172 минг 900 сўми, тўловни кечиктирилганлиги учун 62 минг 100 сўм пеняни ҳамда ўз вақтида тўланмаган 293 минг 736 сўм иш ҳажини ҳамда 528 минг 736 сўми ва турмуш ўртоғингиз А.Темировна фондасига ўз вақтида тўланмаган 61 минг 590 сўм иш ҳақи бўйича давло аризонис киритилгани ва у ўз тасдиқини топганлигини маълум қилди.

Наманган вилоят Адлия бошқармаси бошчилигининг биринчи ўринбосари Ж.З.Зираев».

Ҳақни ҳақ дейиш унчалик қийин эмас экан-ку. Шу бир парча қоғоз, шу бир оғиз ширин сўзни эшитиш учун у қанча елди-юғурди. Дардини тинглайдиган одам тополмай ўз ёғида ўзи қорғилди. Таассуфки, бу ҳамма армонларни ушладди, дегани эмас.

**ШАРТНОМАНИ ШИРКАТ БАЖАРМАДИ. ЖАБРИНИ МИРИШҚОР ТОРТИДИ**

Ахмадали Темиров 2001 йилнинг 5 декабрида Оқунбобоев номли ширкат ҳўжалик бошқаруви собиқ раиси А.Нусратиллаевга мурожаат қилиб, 5-бригада майдондан ер ажратиш ишларини сўраган. Шу тарзда ширкат ҳўжалиги билан 2002 йил 22

февралда тузилган шартномага асосан 18 гектар ерда 57,6 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган. Ўша йилнинг 1 сентябридаги 7-сонли шартномага кўра унга галла етиштириш учун яна 8 гектар ер майдони ҳам берилиши.

Ахмадали ака азбаройи ерни соғениб қолган эканми ёки ер билан чўнонам тиллаша билгани учунми режадаги 42,4 тонна ўрнига 47,9 тонна бугдой топширди.

Лекин катта оруз-умидлар билан ҳосил етиштирган пудратчиға гирромлик қилишди. Ҳўжалик маъмурияти 5,9 тонна бугдой бериб, қолган 1330 килограммга 90 сўмдан 124 минг 200 сўм ҳақ тўлайдиган бўлди. Ойлар кетишдан ойнар ўтса ҳамки на ҳосил пулидан, на иш ҳақидан дарак бўлди. Пудратчининг ҳақни саволига «...эртага келинг» — деб жавоб бераве-

ришди. Ҳолбуки, ҳўжалик ва пудратчи ўртасидаги шартномаининг 1-2-бандида режадан ортқ етиштирилган галлани ҳамда иш ҳақини тўлаш ва ўз вақтида тўлаш қўриқилган. Гарчи ўтган йили ҳўжалик билан 37 оилавий пудратчи шартнома асосида 1771 тонна бугдой етиштириш мажбуриятини олган бўлсада, шулардан фақат 4 оилавий пудратчиғина шартномавий режани бажарган, амалда уларнинг биронтасига деб қайд этилсада, ортқча олинган ҳосил тўлиқ қайтарилмаган. Жўлладан, Эубайра Бўриевадан 2 тонна 100 килограмм, Жололиддин Рўзуюқовдан 1 тонна бугдой ушлаб қоллинган. Ҳўжаликдан пудратчиларнинг режани бажаргани сабабини ойдинлаштирувчи ҳужжатларни излаб овозра бўлманг! Улардан на тушунтириш хати олинган, на шартнома режаси томонларнинг қай бирининг масъулиятисизлиги билан барбод қилингани тасдиқловчи таҳлилий хулоса мажбури. Шундай бўлсада, 2003 йилнинг 10 августиде бўлиб ўтган вакиллар йиғилишининг 8-сонли қарорига асосан 26 нафар оилавий пудратчилар топширган ҳосил 245,4 тонна галлининг килограммига 10 сўмдан 2 миллион 254 минг 180 сўм иш ҳақидан четқириш

қилишди.

**Х.ҲАМИДОВ, тадбиркор**



**ТЎКИМАЧИЛИК ДИЗАЙНИДАН САБОҚЛАР**  
**Энгил сан'от ривожига тўқимачилик матолари дизайни йўналиши ҳам муҳим аҳамият қасб этмоқда. Ана шу истиснолик соҳа бўйича илмий изланишлар олиб боришни янада кенгайтириш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва энгил сан'от институтида янги ўқув режалари белгилаб олинди.**  
 Олий ўқув юртининг талаби материаллар, қўзғовимий технологияси ва дизайни кафедраси томонидан амалга оширилаётган илмий тадбирлар ҳам диққатга сазовордир. Кафедрани тўқимачилик матолари дизайни бўйича янги ўқув курсини йўлга қўйиш таратди бошланди. Бунда кафедра олимларининг Финландиянинг Дизайн академияси билан ҳамкорлиги қўл келди.  
 Зеро, бу нуфузли академияда ташкил этилган ўқув жараёнларида олий ўқув юрти ўқитувчилари ўз малакаларини оширдилар.  
**А.АЛИЕВ**

**Бойчечак ВАТАН ИШҚИ**  
**Умрим бўйи асрагум, Эътқоқ ва йимоним, Сен менинг борлигимсан, Жоним Ўзбекистоним.**  
 Меҳрингда қуёш акси, Замининг меҳригинг, Ҳамиша нурафшонсан, Тунда ҳам оққай зиб.  
 Томирларда ураб жўш, Буяклар қони бот-бот. Қаҳрамонлик меросидир, Йўл бошлар ўзи ҳаёт.  
 Ҳеч қачон камлик кўрмас Йўғрилса қим меҳрға. Меҳрдан яралган шу - Ватанга бўлай сирға.  
**Муяссар ИЛҲОМОВА, Тошкент шаҳридаги 228-мактаб ўқувчиси**  
**ТИНЧЛИК БОРКИ**  
 Мақсад буюк, манзиллар аниқ, Неки яхши - одамлар учун. Ньютон қонунига мувофиқ Таъзимдамик ерга қуну тун.  
 Қимирлаган жонда ҳаракат, Уйим-жойим дейди ҳамма ҳам Юракларда жо бир саодат - Тинчлик борки кўнгул хотиржам.  
 Поклик сари ёзамиз қанот, Виждон амри наҳот соябон. Биз ҳаётни севамиз, Ҳаёт Бошга кўтаради жавобан.  
**Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА**

**Жисмоний тарбия ва спортнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан баркамол кишилар қилиб тарбиялашда аҳамияти бекиёс.**  
 Қадимий Оловуддин тейалиқларида Талимаржон иссиқлик электр станцияси бунёдкорлигининг Нуристон шаҳарчаси қад кўтарган. Ун мингдан ортиқ турли миллат ва элат вақиллари умргузаронлик қилаётган курувчилар кўрғонинда спортга қизиқувчи ёшлар кўпчилиги ташкил этиди.  
 Бундан бир неча йил муқаддам шаҳарчада «Турон» спорт клуби тузилган эди. Ўшандан бери клуб аъзолари орасидан ўнлаб доврүкли каратэчилар етишиб чикди. Жамоа раҳбари Эркин Ашуров ўз касбининг сиру синоатларини лухта эгаллаш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан курсатилган гамхўрликка муносиб бўлишимиз керак. Юздан ортиқ ўғил-қизлар

**Болалар спорти**  
 катнашаётган жисмоний тарбия масканида машғулотлар юқори савияда ўтади. Еш спортчилари «Ашиҳара каратэ» бўйича ўтказилаётган муашурув, Бахтияёр Каримов, Зиёвуддин Шукуровлар ўз ваэн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритишган бўлса, Зебо Шукурова, Азиза Аҳмедова ва Шохрух Чоршанбиевлар иккинчи ўринни эгаллашди.  
 - Нуристон ёшларининг доврүғи мамлакатга ёйилган, - дейди «Ашиҳара каратэ» бўйича республика Бран-ЧИ инструктори, биринчи даражали ДАН қора белбоғ соҳиби Вадиб Ким. - Машғулотлар самардорлиги оширилса болалар орасидан ажойиб спортчилар етишиб чикшиш мумкин. Қашқадарёнинг олис масканида жойлашган «Турон» клуби иштирокчилари ўз маҳоратларини ошириш йўлида тинмай изланмоқдалар.  
**И.ИСОМИДИНОВ**

**Касаба уюшма тадбири МАЙДОНДА - ЎҚИТУВЧИЛАР**  
 Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг мухташам спорт залида Меҳр ва муруват йилига бағишлаб таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят қўмитаси тасарруфидаги олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувчиларининг 1-анъанавий спартакиада ўтказилди. Спартакиада тўрт босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич мусобақалари ўртасида, 2 босқич факультетларини институт биринчилиги, 3 босқич вилоят биринчилиги ва 4 босқич Жизжаз шаҳрида ўтказилаётган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси спартакиадасидан иборатдир.  
 Вилоят биринчилиги спорт мусобақаси спортни б та энг оммавий ва миллий турлардан иборат бўлиб, спартакиада дастурига спортнинг шохмат, шашка, стол тенниси, волейбол, армрестлинг ва арқон тортиш каби турлари киритилган. Икки кунлик қизгин беллашувлар натижасида шохмат, шашка ва стол тенниси бўйича Андижон муҳандислик иқтисодий институтини аёллар жамоаси, спортни армрестлинг ва арқон тортиш турлари бўйича ҳам Андижон муҳандислик иқтисодий институтини профессор-ўқитувчиларига тенг келаётган рақиб топилмади. Шохмат, шашка ва стол тенниси бўйича Андижон Давлат тиллар педагогика институти эркаклар жамоалари биринчи бўлдилар. Волейбол бўйича Андижон давлат университети жамоаси мусобақа ғолибига айланди.  
 Умумжамоа ҳисобида эса 1-ўринни Андижон муҳандислик иқтисодий институти, 2-ўринни Андижон Давлат тиллар педагогика институти ва 3-ўринни Андижон давлат университети профессор-ўқитувчиларидан таркиб топган жамоалар эгалладилар. Ғолиб ва совриндор жамоаларга эгаллик касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлари топширилди.  
**Кутбиддин АБДУРАҲМОНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят қўмитаси бўлим бошлиғи**

**Саломатлик - энг катта бойлик**  
 Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури соҳада туб ўзгаришлар қилишни тақозо этиди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мақсул муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида Шаҳрисабз туманида қўлланма мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, беморларни даяволадан кўра уларнинг хасталикка чалинмасликлари учун курашни асосий лш мезонига айланиб борапти.  
**ШИФОКОР ШАРОИТДАН МАМНУН БЎЛСИН**  
 Ушбу фикримизни 1-сонли марказий шифохона фаолияти ҳам тасдиқлайди. У эндиликда қуриш ва таъмирлаш, қайта жиҳозлаш натижаси ўлароқ жохон андозаларига мос шифо масканлари қаторидан ўрин олган. Қасалхонада ҳозирги пайтда олий маълумотга эга тажрибали врачлар ҳамда ўрта ва кичик тиббий ходимлар эл саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишмоқда. Шифохона ҳовлисига қаддам ранжида қўлланмагиз ҳамон ўзини-ғизини энгил ҳис қиласиз. Дид билан эқилган гуллар, минглаб туп мевали ва манзарали дарахтлар беморлар дардига ўзига хос малҳам вази-фасини ўтамоқда.  
 Айниқса, шифохонанинг «Шошилич тиббий ёрдам» бўлимида ишлар кўнгилдаги дед ҳайла қўйилган. - Бу ёрда дарча кулайликлар яратилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар беморлар хизматида, - дейди шошилич тиббий ёрдам бўлими бошлиғи М.Эгамбердиев. - Танлаган соҳамиз гоят маъсулиятли, айни вақта шарафли. Ният ва интилизларимиз инсонлар бахт-саодати учун, уларга нечоқлиқ ёрдам бераётганимиз, мушкулни осон қилаётганимиз билан ўлчанамиз.  
 Бу вазифани беками кўст бажариш учун шифокорларга етарли шараф яратиб берилган. Бунда, шубҳасиз, шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси А.Гаюшев бошчилигида амалга оширилаётган юмушлар таҳсинга сазовор. Ҳар бир ходимнинг ўзи, иши, оиласи ҳисобда. Зеро, шифокор ҳам хасталаниши, меҳр-оқибатга муҳтож бўлиши мумкин. Шундай пайтда қаторда норинг бўлса қандай яхши. Кўп фарзандли оилаларга эса вақти-вақти билан моддий ёрдам берилмоқда.  
 Марказий шифохона туманидаги бошқа тиббий муассасалари учун консултантия маркази сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Турли жойлардан маслаҳат сўраб бу ерга келиб туришади. Дарвоқе, туманда 13 та кишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Утган йили «Шаҳрисабз» ширкат хўжалиғи, Ҳалқобод кишлоғида янги КВП ишга туширилгани айни муқдодо бўлди. Бу ерда умимий амалиёт шифокорлари фаолияти учун барча замонавий техникалар мавжуд. Жорий йилда яна 2 та кишлоқ врачлик пункти қурилиши кўзда тутилган.  
 - Бажаришимиз лозим бўлган вазибалар анчагина, - дейди Марказий шифохона бош шифокори Обиджон Сатторов. - Қолаверса, Меҳр ва муруват йилида туманидаги ногиронлар, қариялар, уруш қатнашчилари, ёлзилари бепул дори-дармон билан таъминлаш ва уларни соғломлаштириш бизнинг зиммамиздадир.  
**Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири**

**ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК**  
 Бухородаги Варахша маҳалла фуқаролар йиғинида Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.  
 Айни кунларда маҳаллани ободонлаштириш, кўчаларни тозалаш ишларида 1200дан зиёд оилалар иштирок этишмоқда, деди маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Бахриддин Йўлиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. Баҳор байрами Наврўзга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларимизга «Бухороғўшутсавдо» акциядорлик жамияти ҳамийлик қилади. Маҳалламизда яшовчи 150 та кам таъминланган оилалар, 112 нафар ногиронлар ва иккинчи жаҳон уруши фахрийларига моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, Меҳр ва муруват йилида маҳаллада чойхона, сартарошхона ва устаконалар қуриш режалаштирилган.



Шу йилнинг 27-29 феврал кунлари пойтахтнинг «ЖАР» спорт мажмуида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида IV Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан мингдан ортиқ ёшлар иштирок этиди. Катта ва кумитэ бахсларида жамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи Қашқадарё вилояти иккинчи ва Наманган вилояти спортчилари учинчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» соврини ҳам ўз эгалларини топди.  
**Суратларда: мусобақадан лавҳалар.**  
**Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар**

**“ТАШАББУС-2004” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ**  
**Нуқусда “Ташаббус-2004” танлови бўлиб ўтди.**  
 Қорақалпоғистон Республикаси давлат мулки қўмитаси, республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорликда ўтказган танловда энг яхши фермерлар, хунармандлар ва ишбилармонлар катнашди.  
 Танловда Нуқус туманидаги “Едиғе” фермер хўжалиғи, Хўжайли туманидаги “Дамир вестон” хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси, Беруний туманидан хунарманд Тоҳир Бобожонлар ғолиб бўлди. Шунингдек, энг намунали солик тўловчи, энг яхши тадбиркор аёл, энг ёш тадбиркор, энг меҳр ва муруватли тадбиркор номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.  
**Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири**

**“БАЛЛИ, ҚИЗЛАР” ТАХИАТОШ ШАҲРИДА 8-МАРТ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ ОЛДИДАН “БАЛЛИ, ҚИЗЛАР” ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**  
 Шаҳар хокимлиғи, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ўтказилган танловда касб-хунар коллежларининг ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари катнашди. Танловда Қорақалпоғистон иқтисодий ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг ўқувчиси Нигора Нурумбетова ғолиб бўлди.  
**IREX МАКТАБЛАРГА КўМАКЛАШМОҚДА**  
**Бухорода ўрта мактабларни компьютер техникалари билан жиҳозлаш дастури ақунланди.** Ушбу дастур АҚШ халқаро ривожланиш агентлигининг (ЮСАИД) молиявий ёғмалиги IREX халқаро тадқиқотлар ва аналитика саноатининг қўлламоғидир.  
**“Туркистон-пресс”**

**Машуулар кенгаши томонидан амалга оширилди.**  
 -Дастур доирасида вилоятдаги ўқув масканлари 72 донга “Пентум-4” компютерлари, сканер ва принтерлар, шунингдек, зарур услубий адабиётларни олиши, деди лойиҳанинг Бухородаги минактавий вакили Анатолий Кочнев “Туркистон-пресс” муҳбирига.  
 -Бухородаги ўрта мактабнинг компютер тармоғи Интернетга уланган.Эндиликда Когон, Ромитан ва Бухоро туманларидан ҳам биттадан мактабнинг компютерлари Интернетга уланади. Бугунги кунда вилоятдаги 80 мингдан зиёд ўқувчилар компютер техникаларидан фойдаланишни ўзлаштириб олишди.  
 Ўзбекистон мактабларида компютерлар дастури доирасида республика умумтаълим муассасаларига жами мингдан зиёд компютерлар топширилди. Юздан ортиқ компютер марказлари барпо этилди.  
**“Туркистон-пресс”**

**Маданият хабарлари**  
**ОНА СИЙМОСИ САНЪАТКОР ТАЛҚИНИДА**  
 Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилган Азамат Хотамовнинг шахсий кўргазмаси санъат илхосмандлари кўнглини хушуд этиди. Ундан танқиди ижодкорнинг графика ва ҳайкалтарошлик йўналишидаги санъат асарлари жой олган. «Оналик», «Бола ушлаган аёл», «Сурхондарёлик гўзал», «Аёл ораси» каби ўнлаб асарларида аёл, она сиймоси алоҳида хурмат ва муҳаббат билан ёрқин бўёқларда тасвирланган. Санъаткорнинг оддий буюмдан тортиб, инсон шахси тасвирланган барча асарлари алоҳида самимият ва ички туйғулар билан яратилганки, улар кишига ўзгача руҳ бағишлаб, гўзал ва бегубор санъат оламига етаклайди.  
**ФАЗАЛХОНЛИК**  
 «Навоийхонлик» ва «Бобурхонлик» тадбирлари ҳамisha қалбдоримизни маърифат ва эзуғлик нурлари билан ёритди. Чунотчи, пойтахтимиздаги Бобур номидаги истироҳат боғида буюк саркарда ва хассос шоир таваллудининг 521 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, Ўзбекистон халқ шоири Жуманова Жабборов, Езувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, адабиётшунос олим Султонмурод Олимов ва шоира Турсуной Содиковна Бобур шахсиятининг сарқираллиғи, ижоди эса гоят ранг-баранг эканлиғи ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.  
 Бобур фазаллари билан айтилаётган қўшиқлар анжуманга файз бағишлади.  
**Шоира РАҲПОВА**

**Юртим деб, элим деб ёшайдиган, имон-этиқоди бутун, зукко ёшлар мамлакатимизнинг порлоқ эртасидир.** Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ана шундай баркамол инсонларни вояга етказиш мақсад қилиб олинган.  
 Марҳамат туманидаги Мирзо Улўғбек номи 3-физика-математика факультетида иختисослашган мактаб-интернатда бу борда мақтовли ишлар амалга оширилмоқда.  
 Ушундан алағна хосил бўлади, дейдилар. Ешлиқдан талабалар юригада илм-фанга хавасни қўлланганда «мини академия»нинг ўз ўрни бор. «Академия»нинг ўз президенти, илмий кенгаши, академиклари мавжуд. Олий тоифали математика ўқитувчиси Набижон Акбаров «Академия»нинг фахрий президенти, 22 нафар аъзо унинг «академиклари» саналади. Номзодлар «президент» бошлиқ илмий жайбатнинг «нигиригидан» ўттиши шарт.  
 Бошлқ ўзи бир олам. Тафаккур, мушоҳада, изланиш, қузатиш қишқималари билан ана шу олам янада кўркам, мунаввар бўлади. Рефератлар тайёрлаш, савол-жавоб кечалари, фан олимпиадалари, табиат қўйнига сайхатлар уюштириш,

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда**  
 даса, денгиз илмлари, Турон заманидан бошланганга сизини ишонтиради. Миллат гуруҳи «кичик академия» қалбини нурлантирганидан завқланиб кетасиз.  
 «Мини академия» аъзоси Нозимжон Мадрэхимовнинг тарих ва географияга оид илмий рисоласи «Умид» жам-

олимпиадасида ғолиблиқни қўлга киритди. «Кичик академиклар»нинг аксарияти бугунги кунда хоржода энг нуфузли олийгоҳларда таълим олмоқдалар. Н.Мадрэхимов Тошкент иқтисодий университетига, республика математика олимпиадаси совриндори Гулшаной Тешабоева Жаҳон иқтисо-

пьютерлашган синф, 4 та лаборатория, лингафон, эпидоскоп, диафильмлар, китодоскоп сингари замонавий техника воститалари маофавий ўқиш йўлига қўйишда муоим омили бўлмоқда.  
 Мактаб жамоасининг таълими инсонларварлаштириш таъойилларига уру бераётганлиғини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда мактаб директори Холмуҳаммад Сулаймонов шундай дейди:  
 -Айни кунларда 405 талабага таълим-тарбия бераётимиз. Президентимиз Тошкент вилоятининг навабдан ташқари сессияда қилган маърузаларида Ватан, Она юрт билан гурурланиш туйғуларини ёшлиқдан тарбиялашни алоҳида ўқитдилар. Бу биз маорифчиларнинг эл-юрт олдидаги бурчимиздир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий истиқлол ғоялари ёшларимизнинг дунёқарашига айланishi керак. Маънавий-маърифий, маданий тадбирларга ўқув-амалиёт сатларида кўпроқ аҳамият бераётганимизнинг босиши шундан.  
**Собиържон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири**

**МИНИ АКАДЕМИЯ**  
 тахсил олади. Билимдонликда олийгоҳ талабаларидан қолишмайди.  
 Синаш учун фалакитдан гап очиб Галлилейни эслатинг. Дархўл Улўғбекнинг «Зиҳ»идан мисоллар келтириб, осмон илмида ўзбек миллатига таърифи йўқлиғини исботлашга киришиб кетади. Географиядан гап очиб, Американи Колумб томонидан кашф қилинишини айтиб кўринг. Беруний неча асрлар олдин жаҳонга таша сайёҳни ортада қолдириб, «окан орти» мамлакатлари харитага туширганини, хан-

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ушбу Марказий қўмита раисининг ўринбосари-бўлим мудири Бўришо Шодиевага падари бузрукворини  
**АМИН отанинг**  
 вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари санвати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва унинг Самарқанд вилоят бўйича Вакиллиги ушбу Вакилликнинг етакчи мутахассиси - ҳисобчиси Галина Сулеймановага турмуш ўртоғи  
**ЮРИЙ СУЛЕЙМАНОВ**нинг  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

**ISHONCH**  
 Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ  
**МУАССИС:**  
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсёев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоход Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
 Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширилди - 21.50

**E-mail:** ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**МАКСИЛМИ:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерлаш терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.  
**«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси** бошмақомида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г- 217